

ТҮЛӨВ ЖАДВАЛИ

Шоғиркон туман хокимлиги ва “Икром Одил” МЧЖ билан 4 999 200 сум 00 тийин умумий
суммадаги 2022 йил 24 январдаги № 7 - сонли шартномага

(сўнда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	42-52-500			
Январ	4 999 200			4 999 200
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
Жами йил бўйича	4 999 200			4 999 200

Жами: 4 999 200 (тўрт миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг икки юз) сўм

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 100% и 4 999 200 сум 2022 йилнинг январ ойининг 31 санаасигача олдиндан тўланиши лозим.



Рахбар

Бош ҳисобчи

Н. Рахмонов

Б. Жалилов

Фазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди
2022 й. « » (имзо)

Бюджетдан маблаг олувчи
ходими қабул қилди
2022 й. « » (имзо)

СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

ШАРТНОМА № 7

2022 йил « 24 »январ

Шоғиркон туман

“Икром Одил” МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда ”Таъминотчи” деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи С.Одилов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Шоғиркон туман хокимлиги (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Н.Рахмонов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинchi томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»га табий газ маҳсулотларини ёкилгиси бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа табий газ маҳсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги ҳаражатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 4 999 200 (тўрт миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг икки юз) сўмни (ҚҚС билан бирга ташкил қиласди. Шартноманинг суммаси табий газ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган газ маҳсулотларининг нархлари, газ маҳсулотини ташиб билан боғлик темир йул ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки газ маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда кайта кўриб чиқилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Суюлтирилган табий газ маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилиғи қуийш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисни ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Суюлтирилган табий газ маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига маҳсулот қуийш учун олиб келинган автомобиль цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуийшга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Суюлтирилган табий газ маҳсулотлари қуийлган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамгаланади. Тамгалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Суюлтирилган табий газ маҳсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транпорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1 Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган суюлтирилган табий газ маҳсулоти учун ҳар ой олдиндан тulos:

- бензин ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;

- дизел ёкилгиси учун 100 фоиз миқдорида 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади.

3.3."Истеъмолчи" томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, ҳаражатлар сметасида ажратилган маблаглар доирасида амалга оширилади.

3.4.«Таъминотчи» Суюлтирилган табиий газ маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул ҳаражатлари хисобга олиниади.

3.5. Суюлтирилган табиий газ маҳсулотларининг нархи, темир йул ҳаражатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Суюлтирилган табиий газ маҳсулотларининг микдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини микдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўрнинома»га ҳамда бошка норматив хуҗкатларга асосан қабул қилиб олиниади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлишин ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи хуҷкатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» Суюлтирилган табиий газ маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянингумумий микдори етказиб берилмаган Суюлтирилган табиий газ маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефтмаҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги конунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» Суюлтирилган табиий газ маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблагни кайтиб олиш хукуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торғанилиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблаглар хисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматини 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга хақли. бунда у мазкур маҳсулотининг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» хисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан кўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил _____дан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг ҳар бирин учун бир нусхадан берилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодексининг 122-моддаси" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буортмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Фазначиликда рўйхатта олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув

тошқини, ёнгин, ер қимиirlаши ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажармаса хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги қонунга амал қилган холда тартибига келтирилади.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судлари томонидан хал қилинади.

11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий ҳисобланади.

11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилиди.

11.4. Ушбу шартнома имзолангандан кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»
“Икром Одил” МЧЖ

Манзил: Шоғиркон туман

Тел./факс 997062704

х/в 20208000604884470001
Банк номи Агробанк Шоғиркон ф

МФО 00093

ОКОНХ 71211
СТИР 301689296



Рахбар  С. Одилов
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.ў.

«Истемолчи»
Шоғиркон туман ҳокимлиги

Манзил: Шоғиркон шахри Мустақиллик кўч. 4-үй

Тел./факс 502-32-05

ш/х* 100022860062587011204018001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201113350

ОКОНХ 97600

Газначилик бўлинмаси номи: Шоғиркон туман
буйича Газначилик бўлинмаси
Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент Марказий банкнинг
ХКМ

МФО: 00014

Газначилик СТИРи: 201122919

Рахбар 

Н. Рахмонов
(Ф.И.Ш.)



(имзо)

Нефт махсулоти тури	ЎзДС ва ТХ	1 куб учун нархи (сўмда)	Миқдори (м3)	1чорак	2чорак	3чорак	4чорак
МЕТАН		2400-00	2083	4 999 200			

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):



Ш. Очилов